

Сийрат 184-дарс. Дуо ибодатдир



19:00 / 14.05.2022 4889

711. Нуъмон ибн Башир розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Дуо ибодатдир»**, дедилар. Сўнгра «Роббингиз: **«Менга дуо қилинг, сизга ижобат қилурман. Албатта, Менинг ибодатимдан кибр қилганлар жаҳаннамга хору зор ҳолларида кирурлар»**, деди» (ояти)ни қироат қилдилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

712. Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам орамизда турган эдилар, бироз жим туриб қолдилар-да, сўнг табассум билан бошларини кўтардилар. Биз: «Нега куляпсиз, Эй Аллоҳнинг Расули?» дедик. **«Менга ҳозиргина бир сура туширилди»**, деб, **«Бисмиллаҳир роҳманир**

роҳийм. Иннаа аътойнака ал-Кавсар. Фа солли ли Роббика ванҳар» ни қироат қилдилар. Сўнгра: **«Кавсар нималигини биласизларми?»** дедилар. «Аллоҳ ва Унинг Расули билувчидир», дедик. **«У Роббим азза ва жалла менга ваъда қилган наҳрдир. Унда кўп яхшилик бордир. У Қиёмат куни умматим келиб ҳузуримда сув ичадиган ҳовуздир. Унинг идишлари юлдузлар ададича. Улар ичидан бир банда суғуриб олинади. Мен: «У менинг умматимдан», дейман. Шунда: «Бу сендан кейин нима қилганини билмайсан», дейди»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

713. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Бизга Роббингнинг насабини баён қилиб бер», деганларида, Аллоҳ **«Айт: «У Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ сомаддир. У туғмаган ва туғилмаган»**ни нозил қилди. Чунки ҳар бир туғилган нарса, албатта, ўлади. Ҳар бир ўлган нарса, албатта, мерос қолдиради. Албатта, Аллоҳ азза ва жалла ўлмайди, мерос ҳам қолдирмайди. «Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган». Унга ўхшаш ҳам, тенгдош ҳам бўлмаган. Унинг мислига ўхшайдиган ҳам йўқ», деди.

Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан